

Намоз туфайли мағфират



18:06 / 20.11.2018 3158

Наср ибн Алидан ривоят қилинади: “Язид ибн Зурайъни вафотидан сўнг тушимда кўриб, “Аллоҳ сенга қандай муомала қилди?” деб сўрадим. Язид: “Аллоҳ мени мағфират қилди”, деди. Мен: “Нима учун?” деб сўрадим. У: “Намоз туфайли”, деб жавоб берди”.

Кекса қўшниларга икром

Суфён айтади: “Зубайд ёмғир ёққан кечада қўлига машъала тутиб, маҳалладаги қарияларнинг уйини айланиб, “Уйингиздан ёмғир ўтмадими? Машъала берайми?” дер эди. Тонг отгач, яна маҳалладаги қарияларнинг уйини айланиб, “Бозорда бирор ишингиз борми? Бирор нарса олиб келиб берайми?” деб уларнинг хожатини чиқариб юрарди”.

“Солиҳлар гулшани” китобидан